Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ 4 июль 1970 йил, шанба ◆ № 155 (14.621). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КРЕМЛДА КОСМОНАВТЛАР ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

1970 йилнинг 1 июнь куни Совет Иттифоқида экипажи нема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР нинг космонавт учувчиси полковник Андриян Григорьевич Николаев ва бортинженер, техника фанлари кандидати Виталий Иванович Севостьяновдан иборат «Союз-9» космик кемаси Ернинг сунъий йўлдоши орбитасига чиқариб қўйилган эди.

1970 йилнинг 19 июнида «Союз-9» космик кемаси планлаштирилган 18 кунлик парвоз программасини бажарганидан кейин Москва вақти билан соат 14 дан 59 минут ўтганда белгиланган районга гоят аниқ қўнди.

Космик парвозни амалга ошириш вақтида мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун СССР Олий Совети Президиуми Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР нинг космонавт учувчиси А. Г. Николаевни иккинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлади. А. Г. Николаевга авиация генерал-майори ҳарбий унвони ҳам берилди. Ўртоқ В. И. Севостьяновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ва «СССР нинг космонавт учувчиси» унвони берилди, унга Ленин ордени ҳамда «Олтин Юлдуз» медали топширилади.

Кеча Москвада, Катта Кремль саройида шонли космонавтлар шарафига қабул маросими ўтказилди. Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев космонавтларни партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан қизғин табриклади ҳамда Ватан бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатларида уларга янги ва катта муваффақиятлар тилади.

(Қабул маросими ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1970 йил 3 июлда ўз ишини давом эттирди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қишлоқ хўжалик соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида қилган доклади юзасидан музокараларда Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков, КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари Ф. С. Горячев, СССР тайёрлаш министри З. Н. Нуриев, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, КПСС Белгород область комитетининг биринчи секретари Н. Ф. Васильев, СССР химия саноати министри Л. А. Костандов, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари А. И. Шибаев, СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. Мацкевич, КПСС Воронеж область комитетининг биринчи секретари Н. М. Мирошниченко, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари В. И. Долгих, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский, Украина Компартияси Кировоград область комитетининг биринчи секретари М. М. Кобильчак ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Мажлиснинг охирида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев якунловчи нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми «Қишлоқ хўжалик соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Пленум шу билан ўз ишини тамомлади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК СОҲАСИДА ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1970 йил 3 июлдаги қарори

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида ушбу беш йиллик планнинг бажарилишини тугалламоқда. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг зўр ғайрат билан қилган ишлари туфайли шу йиллар мобайнида экономика ва маданиятни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди.

Колхозчилар, совхоз ходимлари партия XXIII съезди ва Марказий Комитет Пленумларининг қарорларини бажара бориб, шаҳар меҳнаткашларининг актив қўллаб-қувватлаши билан қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга муваффақ бўлдилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини ялпи етиштиришнинг ўртача йиллик миқдори 1966—1969 йилларда 79 миллиард сўмлик бўлди. Бу — аввалги беш йилликдагига нисбатан 12,7 миллиард сўм ортиқдир.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғини ривожлантиришда—дон етиштиришда ижобий силжишларга эришилди. Доннинг ҳар йилги ўртача ялпи ҳосили 1966—1969 йилларда 162 миллион тонна бўлди ва 1961—1965 йиллардагига нисбатан 32 миллион тонна, ёки қарийб 25 процент ортди. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳам кўпайди. Шу йиллар ичида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, чорва мол ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги ошди.

Партиянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, барча ишларни механизациялаш ва минерал ўғитлардан кенг фойдаланиш, ерларни мелиорациялаш ва колхоз ҳамда совхозларни ривожлантиришда иқтисодий стимулларни юксалтиришга қаратилган йўлини изчил амалга ошириш натижасида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш орта борди. Қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағ кўпайди, қишлоққа тракторларни, дон йиғиштириб оладиган комбайнлар, автомашина ва бошқа техниками етказиб бериш кўпайди. Қишлоқ хўжалиги беш йилликнинг тўрт йили мобайнида аввалги тўрт йилликдагига нисбатан 1,8 баравар кўп минерал ўғит олди. Ерларни мелиорациялаш программаси амалга оширилмоқда. Кейинги тўрт йил ичида янгидан суғориладиган 1,2 миллион гектар ер ва эвазига қочирилган 3,1 миллион гектар ер ишга солинди.

Колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланиб бормоқда ва шу асосда қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ошиб бормоқда. Қишлоқда уй-жой, маданий ва маиший иншоотлар қуриш жараёни жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Шундай қилиб, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида катта натижаларга эришилди. Аммо қишлоқ хўжалиги тараққиётининг якунларига мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хом ашёга бўлган ҳамда тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражасини етарли деб ҳисоблаб бўлмайди. Совет экономикасини ривожлантириш суръатлари, халқ турмуш даражасининг тўхтовсиз ошиб бораётганлиги қишлоқ хўжалиги олдига янги, янада катта талабларни қўяди.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини тезликда мустаҳкамлаш, уни техника билан янада кўпроқ таъминлаш зарурати ни туғдиради. Қишлоқ хўжалик машиналари, транспорт воситалари, минерал ўғитларнинг етишмаётганлиги, мелиорацияланган ерлар салмоғининг анча катта эмаслиги, чорвачиликнинг озуқа билан етарли таъминланмаганлиги, қайта ишлаб берувчи саноатнинг орқада қолаётганлиги, шунингдек колхоз ва совхозларнинг талайгина қисмида хўжалик юритиш маданиятининг ҳали ҳам паст даражада эканлиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бир қанча область, ўлка ва республикалардаги партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхоз ва совхозларнинг ишини маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш учун резервлардан тўлароқ фойдаланиш ўйлидан суст олиб бормоқдалар, планларни бажаришда исрофгарчилик, интизомсизлик каби фактларга, ердан қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган мақсадларда норациональ фойдаланилишга тоқат қилиб келмоқдалар. Ҳосилдорлик ҳали паст даражада бўлган, ердан, техникадан, ўғитлардан ва бошқа моддий ресурслардан яхши фойдаланилмаётган, чорва мол туёғи ва маҳсулдорлиги суст ўсиб бораётган колхоз ва совхозлар ҳа эмас. Баъзи колхозларда асосий фондларни мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кам маблағ ажратилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми **қарор қилади:**

1. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қишлоқ хўжалик соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладида баён этилган хулосалар ва таклифлар маъқуллансин.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш асосида уни янада тезроқ тараққий эттириш — якин даврдаги асосий ва биринчи навбатдаги вазифаларнинг биридир. Колхоз ва совхозларда ер ва техникадан фойдаланишни яхшилаш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини анча ўстириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтиришга эришиш зарур.

2. Марказий Комитет Пленуми деҳқончилик соҳасида барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва дон, пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, сабзавот, картошка ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштиришни тўхтовсиз ўстиришни таъминлаш учун умумхалқ курашини уюштиришни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Келгуси беш йилликда ҳар бир колхоз ва совхозда дон экинлари ҳосилдорлигини кескин суратда ошириш зарур, токи бутун мамлакатда дон экинлари ҳосилдорлиги гектар бошига камида тўрт центнер кўпайсин. Техника экинлари, озуқа экинлари ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини кўпайтириш ҳам муҳимдир. Шу мақсада колхоз ва совхозларда деҳқончилик маданиятини юксалтириш — тупроқнинг унумдорлигини ошириш, энг кўп ҳосил берадиган навларни экиш, алмашлаб экишни жорий қилиш, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик юзасидан самарали тадбирлар системаси ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Дон етиштиришни кўпайтириш авалгидек бундан буён ҳам асосий проблема бўлиб қолади. Келгуси беш йилликда доннинг ўртача йиллик ялпи ҳосили 195 миллион тоннани ташкил этиши керак.

1971—1975 йиллар учун йилига 60 миллион тонна миқдорида дон харид қилишнинг мустаҳкам, ўзгармас плани белгилансин.

Пландан ташқари дон харид қилишни рағбатлантириш юзасидан Марказий Комитетнинг март Пленумида қабул қилинган принцип сақлаб қолинсин ва давлатга пландан ташқари дон сотганлик учун колхоз ва совхозларга асосий харид нархининг 50 процента миқдорида устама тўлаб борилсин.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари зиммасига товар дон етиштирувчи ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир область, ўлка ва республиканинг қатъий планни бажариш билан бирга беш йилликда давлатга пландан ташқари камида 35 процент дон сота олиши учун ҳамма чораларни кўриш мажбурияти юклатилсин.

1971—1975 йилларда пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, зиғирпоя толаси, сабзавот, картошка, мева-чева, узум, чой ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш анча кўпайтирилсин.

3. Марказий Комитет Пленуми чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга алоҳида эътибор беради.

Гўшт, сут, тухум ва жун етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиришдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва СССР Министрлар Совети қабул қилган чоралар маъқуллансин.

Марказий Комитет Пленуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларидан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан чорвачиликдаги камчиликларга қатъий барҳам бериш, чорва мол ва паррандалар сонини кўпайтирган ҳолда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишни таъминлашни талаб қилади.

Чорвачилик маҳсулотларини саноат негизида етиштириш кенг ривожлантирилсин. Келгуси беш йилликда шаҳарлар атрофида чўчқа гўшти етиштириш, қорамолни бўрдоқига боқиш ва сут етиштириш бўйича йирик комплекслар қурилсин. Шу билан бирга, янги паррандачилик фабрикалари қурилсин, механизациялаштирилган қўйчилик фермалари вужудга келтирилсин.

Чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш йил сайин кўпайтирилсин. 1975 йилда чорва мол ва паррандаларни давлат йўли билан харид қилиш плани 16 миллион тонна (тирик вазнда), сут харид қилиш плани 55 миллион тонна, тухум харид қилиш плани 26 миллиард дона, жун харид қилиш плани (ҳисобга киритилган вазнда) 470 минг тонна миқдорида белгилансин. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни шу тарика таъминлаш керакки, ҳар бир колхоз ва совхоз давлатга ҳар йили пландан ташқари камида 8—10 процент миқдорида маҳсулот сотсин.

Жамоат чорвачилигини, шунингдек колхозчилар ва совхоз ходимларининг шахсий мулкида бўлган чорва молларни тўла таъминлаш учун озуқанинг ҳамма турларини — пичан, терт, силос, пичан уни, илдиз мевали экинлар етиштиришни анча кўпайтиришга эришмоқ керак. Утлоқлар ва яйловларни яхшилаш соҳасидаги ишларни кенгайтириш, гоят маҳсулдор маданий яйловларни вужудга келтириш зарур. Таркибида оқсил моддаси кўп бўлган беда, йўнғичқа, нўхат, вика, люпин, сўя экинларини экиш кўлайтирилсин. Ўт уруғчилигини тубдан яхшилаш чоралари кўрилсин.

Омихта ем саноатини бутун чоралар билан ривожлантириш таъминлансин, давлатга қарашли бўлган ва ишлаб турган омихта ем заводлари реконструкция қилинсин ва янгилари қурилсин. Колхоз ва совхозлар учун автоматлаштирилган ва тежамли бўлган омихта ем агрегатларини кўплаб ишлаб чиқариш уюштирилсин.

Гўшт-суяк уни, балиқ уни, ёғи олинган бўлган қуруқ сут, озуқабоп ачитқи, ферментлар, витаминлар, антибиотиклар ва консервантлар ишлаб чиқаришни анча ўстириш кўзда тутилсин, бунинг учун гўшт-сут, балиқчилик, озиқ-овқат ва целлюлоза-қоғоз саноати ва микробиология саноатига оширилган топшириқлар белгилаб қўйилсин.

4. Марказий Комитет Пленуми эндиги беш йилликнинг ҳамма йиллари учун колхоз ва совхозларга дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш планларини тўғри белгилашга катта аҳамият беради. Харид қилишнинг қатъий планлари ҳар томонлама асосланган бўлиши керак, ҳар бир хўжаликнинг имкониятлари, табиий ва иқтисодий хусусиятлари, унинг ихтисослаштирилиши, шунингдек янги техника, минерал ўғитлар олиниши, мелиорациялаштирилган ер майдонларининг кенгайтирилиши тўла ҳисобга олиниши лозим.

Пленум қишлоқ хўжалик, тайёрлаш, совет ва партия органлари, колхоз ва совхоз партия ташкилотлари ҳамда раҳбарларининг эътиборини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш давлат планларини бажаришда маҳаллийчилик, интизомсизлик фактлари борлигига жалб этади ва бундай ҳодисаларнинг узил-кесил пайини қирқишни талаб этади. Дон, шунингдек бошқа маҳсулотларни харид қилишнинг қатъий плани ҳамма учун мажбурийдир. Бу планни ўзгартириш мумкин эмас ва уни бажармаслик мумкин эмас. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма маҳсулотларини тайёрлаш давлат планларини бажариш ҳамда пландан ташқари маҳсулот сотишда актив қатнашиш — колхоз ва совхозларнинг энг биринчи бурчидир.

5. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг янги беш йилликда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун— ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший қурилишга, техника сотиб олишга давлат йўли билан 77,6 миллиард сўм, шу жумладан, қурилиш-монтаж ишларига 45,9 миллиард сўм капитал маблағ ажратиш тўғрисидаги қарори маъқуллансин.

Беш йиллик планда зарур моддий-техника ресурслари билан тўла таъминлаш учун колхозлар томонидан сарфланадиган капитал маблағлар 43 миллиард сўмлик бўлиши, шу жумладан, қурилиш-монтаж ишларига 28 миллиард сўм капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилсин.

СССР Министрлар Советига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига йиллик планларни бажариш жараёнида қўшимча маблағлар ва моддий ресурсларни қидириб топиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфлаш топширилсин.

6. Беш йиллик охиригача минерал ўғитлар ишлаб чиқариш камида 90 миллион тоннага ва ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларини ишлаб чиқариш 450 минг тоннага етказилсин. Химия ва микробиология саноатининг янги заводларини қуриш ва ишлаб турган корхоналарини кенгайтириш кўзда тутилсин. 1975 йилда қишлоқ хўжалигига минерал ўғитлар етказиб бериш камида 72 миллион тоннага ва озуқа фосфатлари етказиб бериш 3 миллион тоннага етказилсин.

Минерал ўғитларнинг сифати ошириласин, юқори концентратли комплекс ўғитлар етказиб бериш кўпайтирилсин, уларни ташиш учун махсус вагон ва автомобиллар ҳамда минерал ўғитларни жойлаш учун махсус идишлар ишлаб чиқариш кескин суратда кўпайтирилсин, ана шу ўғитларни сақлаш учун базалар қурилиши кенгайтирилсин. Колхоз ва совхозларда минерал ва органик ўғитлардан фойдаланишни яхшилаш ҳамда уларни қўлланишнинг самарадорлигини ошириш чоралари кўрилсин.

7. Марказий Комитет Пленуми ер мелиорациясини ривожлантириш халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Эндиги беш йилликда қуйидаги ҳажмларда мелиорация ишлари бажарилсин: 3 миллион гектар янги суғориладиган ер ишга туширилсин; гоят захкаш районларда 5 миллион гектар майдонда мелиорация системалари қурилсин, шу жумладан, 3 миллион гектар майдонда ёпиқ дренаж қурилсин; камида 8 миллион гектар майдонда ўтлоқлар ва яйловлар тубдан яхшиласин; сув билан таъминланишни ошириш соҳасидаги ишлар рўёбга чиқарилсин ва техникавий жиҳатдан яхшилашни талаб этадиган мавжуд суғориш системаларини реконструкция қилиш асосан тугалласин.

Украинанинг жанубида, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларида, Ростов областида, Шимолий Кавказнинг бошқа районларида ва Поволжьеда суғориладиган товар дон етиштирувчи йирик районларни вужудга келтириш соҳасидаги ишлар кучайтирилсин. Шолиполяр анча кенгайтирилсин. Пахта экиладиган районларда сув хўжалиги қурилиш суръатлари жадаллаштирилсин. РСФСРнинг кора тупроқли бўлмаган минтақасида, Узоқ Шарқда, Сибирь ва Уралда, Украинадаги Полесьеда, Белоруссияда, Болтиқ бўйи республикаларида ерларни мелиорациялаш кенг ривожлантирилсин. Колхоз ва совхозларда мелиорациялаштирилган ерлардан фойдаланиш яхшилансин. Тупроқ эрозиясига қарши кураш ва далаларни иҳота қилиш учун дарахтзорлар вужудга келтириш соҳасидаги ишлар комплексининг кенгроқ кўламда амалга оширилиши таъминлансин.

СССР Министрлар Советига 1971—1975 йиллардаги мелиорация ишлари программасини бажариш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилсин.

8. Марказий Комитет Пленуми якин йиллар ичида трактор, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва мелиорация машинасозлигини янада тараққий эттириши таъминлаш, бу тармоқларда қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш зарур, деб ҳисоблайди, токи янги беш йилликда тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва мелиорация машиналари, транспорт воситалари ва уларнинг запас қисмларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Саноатнинг барча тармоқлари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини техника билан қайта таъминлаш, қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасини ҳал этишда актив қатнашмоқлари лозим.

Пленум Авиация саноати министрлиги, Машинасозлик министрлиги, Кемасозлик саноати министрлиги, Оғир машинасозлик, Энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги, Мудофаа саноати министрлиги, Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлигининг ва бошқа министрликларга қарашли корхоналарнинг қувватлардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги учун машиналар, асбоб-ускуналар, запас қисмлар ва бошқа моддий-техника воситалари ишлаб чиқаришни ўнлаштириш ҳамда уларни кўпайтириш соҳасидаги ташаббусини маъқуллайди.

СССР Госплани ва саноат министрликларига, завод директорлари ва партия ташкилотларига кооперация бўйича қишлоқ хўжалик машиналари, агрегатлар, узеллар ва запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналарда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш топширилсин.

Министрликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюроларга комплекс механизациялашни амалга ошириш учун зарур бўлган янада такомиллаштирилган қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш чораларини кўриш топширилсин. Машина ва механизмларнинг сифатли, чидамли бўлиши ва узоқ вақт ишлаши анча оширилсин.

9. 1971 — 1975 йилларда қишлоқ хўжалигига 1 миллион 700 минг трактор, 1 миллион 100 минг юк автомобили, 541 минг ғалла ўриш комбайнлари, 230 минг силос комбайнлари ва қанд лавлаги қазувчи 60 минг комбайн, 1 миллион 500 минг трактор прицепи, 87 минг экскаватор, 82 минг бульдозер, 42,5 минг скрепер ва 15 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, шу жумладан чорвачилик фермаларини механизациялаш ва ем-хашак тайёрлаш учун 6 миллиард сўмлик машина-ускуна етказиб берилсин.

Чорвачиликда кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялашга алоҳида эътибор берилсин, ана шу мақсад учун қишлоқ хўжалигига машина ва механизмларнинг зарур комплекслари етказиб берилсин.

Колхоз, совхозларда ва «Союзсельхозтехника» ташкилотларида, шунингдек автомобилларга техникавий хизмат станцияларида, ремонт базаларини мустаҳкамлаш, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналаридан гоят унумли фойдаланишни таъминлаш чоралари кўрилсин.

Колхоз ва совхозлардаги доимий механизатор кадрларга катта аҳамият бериб, СССР Министрлар Советига қишлоқ хўжалигида ана шу кадрларнинг муқим ишлаб қолиши учун кескин чораларни ишлаб чиқиш топширилсин ва бунда уларнинг гоят унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шароит вужудга келтириш, моддий манфаатдорликларини ошириш ва маънавий стимулларни кучайтириш, шунингдек турмушларини яхшилаш кўзда тутилсин.

10. Эндиги беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёни қайтадан ишлаб берувчи саноат қувватларини анча ошириш чоралари кўрилсин. Мавжуд элеваторлар, ун комбинатларини, гўшт-сут саноати, озиқ-овқат саноати, енгил саноат ва бошқа саноат тармоқларидаги корхоналарни реконструкция қилиш, янгиларини қуриш, уларни замонавий машина-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилсин; тегишли маҳсулот ва ва хом ашё етиштириладиган районларга энг рационал яқинлаштиришни кўзда тутиб, ана шу корхоналарнинг тўғри жойлаштирилиши таъминлансин.

11. Якин йиллар ичида қишлоқда қурилиш ишларининг катта программаси бажарилиши кераклигини эътиборга олиб, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилсин, токи ана шу министрлик корхоналари ва ташкилотлари беш йиллик охиригача қишлоқда йилига камида 5,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарсинлар.

Совхоз ва колхозлардаги қурилиш ишларига бошқа министрликлар ҳам жалб этилсин ва уларнинг конкрет пудрат ишлари ҳажми белгилаб берилсин. Колхозлараро қурилиш ташкилотлари бутун чоралар билан мустаҳкамлансин, улар техника, машина-ускуналар ва зарур материаллар билан таъминлансин. Қишлоқ хўжалик иншоотларини лойиҳалашни тубдан яхшилаш ва лойиҳаларнинг сифатини ошириш чоралари кўрилсин. Қишлоқдаги қурилишни тобора кўп миқдорда бинокорлик материаллари билан таъминлаш учун ана шу материалларни ишлаб чиқариш қувватлари оширилсин.

12. Марказий Комитет Пленуми қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқотларни янада ривожлантиришга, фаннинг колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши билан алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга муҳим аҳамият беради. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясига, СССР Министрлер Советининг фан ва техника Давлат комитетига ҳамда СССР Фанлар академиясига илмий муассасаларнинг фаолиятини яхшилаш чораларини кўриш топширилсин. Бунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш перспектив проблемаларини ҳал этиш, қишлоқ хўжалик экинларининг юқори ҳосилли янги навларини, чорва молларнинг гоят маҳсулдор зотларини етиштириш ва тез кўпайтириш, шунингдек маҳсулотнинг ҳар бир турини етиштиришнинг энг самарали ва энг тежамли технологик процессларини ҳамда механизациянинг янги воситаларини колхоз ва совхозлар учун ишлаб чиқиш кўзда тутилсин. Усимлик ва ҳайвонлар зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг янги методларини, хусусан ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик воситаларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш кучайтирилсин. Қишлоқ хўжалик илмий муассасалари ва ўқув юртларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК СОҲАСИДА

ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

[Боши биринчи бетда].

13. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми интизомни, топширилган иш учун, совет қонунларига сўзсиз риоя қилиш ва уларни ижро этиш учун шахсий жавобгарликни ошириш зарур эканлигини кўрсатиб, партия ташкилотларининг, партия ва давлат барча ходимларининг эътиборини шунга жалб этади. Ер тўғрисидаги Қонунга, колхознинг янги Уставига риоя қилиш қишлоқ меҳнатчилари учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Пленум СССР Қишлоқ хўжалик министрлигидан, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидан, «Союзсельхозтехника»дан, СССР Тайёрлаш министрлигидан ва уларнинг жойлардаги органларидан, партия ва совет органларидан, барча ходимлардан ер, давлат ва колхоз маблағларидан фойдаланишдаги хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши, маҳаллийчилик кўринишлари ва бировга боқим бўлиш хайфиятларига қарши қатъий кураш олиб боришни талаб қилади. Хўжалик ҳисобини қунт билан жорий қилиш, колхоз ва совхозларнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан контролни кучайтириш зарур. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ Советлари ва колхозлар кенгашлари, халқ контроли комитетлари бу ишда катта роль ўйнашлари керак.

14. Марказий Комитет Пленуми қишлоқ хўжалиги соҳасидаги йирик вазифаларни ҳал этиш партиянинг, барча партия ташкилотларининг зўр ғайрат билан ишлашларини, уларнинг сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятини юксак даражага кўтаришни, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг социалистик мусобақасини кенг авж олдиришни талаб қилади, деб таъкидлайди.

Колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини юксалтириш, фан ва илғор практика ютуқларини жорий қилиш, капитал маблағлардан, ер, техника, ўғитлардан ва бошқа моддий ресурслар ҳамда пул маблағларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиришни таъминлаш, қишлоқдаги турмушни янада яхшилаш — қишлоқ партия ташкилотларининг диққат марказида туриши лозим.

Саноат корхоналари ва қурилишлардаги партия ташкилотлари қишлоқ хўжалиги учун топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини доим назорат қилиб туришлари, қишлоққа машина ва ускуналарни, ўғит, бинокорлик материаллари ва бошқа материалларни кўпроқ етказиб бериш учун қўшимча резервлар ва манбаларни қидириб топишлари, энг янги техникани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида жорий қилиш учун актив ёрдам беришлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми колхозчиларни, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини қишлоқ хўжалигини ривожлантириш планларини муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажариш учун мусобақани янада кенг авж олдиришга даъват этади.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ишонч билдириб айтадики, мамлакатимизнинг барча коммунистлари, барча меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш борасидаги тадбирларни якдиллик билан маъқуллайдилар. Пленум қарорларининг амалга оширилиши мамлакатда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга қўшилган янги катта ҳисса бўлади.



Тошкент. В. И. Ленин ҳиёбони. И. Глауберзон фотоси.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—БЕШ ЙИЛЛИК БАЙРОҒИ

САМАРАДОРЛИК ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

Чирчиқ шаҳар меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини катта меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Шаҳардаги саноат корхоналарининг ҳамаси беш ойлик планни муддатидан илгари ва тўла бажарди. Юбилей йилининг 11 апрель куни ўтказилган Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалигида тежалган ҳом ашё ва материаллар, электр энергия ҳисобига ишлаб, 800 минг сўмлик саноат маҳсулоти тайёрлади.

Партия ва ҳукуматимиз чирчиқликларнинг юбилей олди самарали меҳнатларини юқори баҳоладилар. Ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлардан 5340 киши В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига таъсис этилган «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. Чирчиқ электрохимия комбинати, «Чирчиқжилстрой» қурилиш бошқармаси КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. 14 корхона ва муассаса республика, 8 та корхона ва муассаса Тошкент область юбилей Фахрий ёрлиқларини олишга сазовор бўлдилар.

Шаҳримизда шонли юбилей шарафига бошланган ленинча меҳнат вахтаси қизғин давом этмоқда. Саноат корхоналарининг меҳнаткашлари ўртасида беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақа ўз самаларини бермоқда. Беш йиллик бошидан бери маҳсулот ишлаб чиқариш шаҳар бўйича 42,2 процент ошди, меҳнат унумдорлиги 29 процент кўпайди. Шу йиллар ичида шаҳар саноати пландан ташқари 29 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 1970 йилнинг беш ойлик плани 102,4 процент бажарилди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш техника тараққиёти ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.— «...Эндиликда, — деб уқтирди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисда, — социалистик экономикани ривожлантиришда биз эришган юксак даража шароитида бизда экономикани ҳамма тармоқларини устун даражада интенсивлаш ҳисобига уни тез ўстиришни таъминлашнинг реал имкониятлари бор.»

Бунинг учун керакли бўлган энг муҳим нарса — фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдир. Буюк доҳий Ленин бизга шундай деб таълим берган эди. Унинг хўжалик қурилишига раҳбарлик соҳасидаги бутун фаолияти фан ва техниканинг энг юксак даражасига муносиб иш тутиш руҳи билан суғорилган эди.

Шаҳар партия ташкилоти ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлган техника тараққиёти масаласига кенг меҳнаткашлар оммасини сафарбар этишга қаратилган партиявий-сиёсий ва ташкилий-тарбиявий тадбирлар белгиламоқда ва амалга оширмоқда. Саноат корхоналари, партия ташкилотлари фаолиятида техника тараққиёти, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масаласи асосий ўринни эгалламоқда.

Хўжалик раҳбарлари, ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг диққат-эътиборлари техника тараққиёти учун курашни кучайтириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш, сифатини яхшилаш масалаларига жалб этилмоқда.

Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш масаласи тез-тез коммунистлар муҳокамасига қўйилмоқда. Чунончи, техника тараққиёти учун кураш масаласи шаҳар партия комитетининг пленум ва партия активи йиғилишларида, бюро мажлисларида муҳокама этилди ва конкрет тадбирлар белгиланди. Белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши шаҳар, саноат корхоналари партия ташкилотларининг диққат-эътиборидан асло четда қолдирилмади. Булар албатта ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Чирчиқ электрохимия комбинатида ўтган 1969 йилда техника тараққиёти бўйича белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли 528 минг сўм фойда олинди.

Химия комбинати партия ташкилоти меҳнаткашлар ўртасида ижодий изланиш ҳаракатини авж олдириш, бу билан меҳнат унумдорлигини тобора ошириб бориш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш масаласига алоҳида эътибор бермоқда.

Шаҳар партия комитети ишлаб чиқаришга янги техникани, технологияни, илғор иш тажрибаларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишни, рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий этилишини, бу ишларга партия ташкилотлари раҳбарлигини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб боради. Шу масалага бағишланиб, шаҳар партия активи йиғилиши ўтказилди. Актив йиғилиши шаҳар саноатида янги техникани кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириб бориш, шу асосда меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг конкрет тадбирларини белгилади. Бу тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш соҳасида шу йилнинг ўтган ойлари ичида қатор ишлар қилинди. Масалан, «Узбекхиммаш» заводида турбомашина ғилдиракларини автомат усулда пайвандлаш жорий этилиши туфайли меҳнат унумдорлиги бир ноча марта ортди. Ҳар йили 83 минг сўм давлат маблағи иқтисод этиладиган бўлди. Шунингдек, 8 миллиметр қалинликдаги пайванд чокларини ультратовуш методи билан текшириб кўриш қўлланилиши туфайли 12 минг сўм тежаб қолинмоқда. Узбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида тоблаш печларининг трубаларини ўтга чидамли металлдан ясалган трубалар билан алмаштирилиши— фойдаланиш муддатини узайтириб, йилига 15 минг сўм маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда. Бунга ўхшаш техника янгиликларини бошқа саноат корхоналаридан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорликка қаттиқ риоя қилиш ҳақидаги Ҳати ҳамда КПСС Марказий Комитети 1969 йил декабрь Пленуми қарорлари шаҳримиз меҳнаткашларининг ижодий ғайратини ошириб юборди. Ҳат барча корхона ва муассасаларда, цехларда, участка, смена ва бригадаларда ишлаб чиқилди. Барча партия ташкилотларида очиқ партия йиғилишлари ўтказилиб, 40 мингдан ортиқ киши қатнашди. Мингдан ортиқ киши учи мухокама этишда иштирок этди. Шаҳар партия комитетида ҳамма корхона ва муассасаларда меҳнаткашлардан тушган таклифларни кўриб чиқиш, ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш масаласи билан шуғулланувчи комиссиялар тузилди.

Шаҳримиз саноат корхоналаридаги айрим ускуналар ҳозирги замон талабига жавоб бермайди. Шуни назарда тутиб, реконструкция ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Чирчиқ электрохимия комбинати «Узбекхиммаш», «Чирчиксельмаш», «Трансформатор» заводларининг партия ташкилотлари маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини пасайтирмаган ҳолда ускуналарни янгилаш, цехларни реконструкция қилиш, замонавий станоклар ўрнатиш масаласига ҳам катта эътибор бермоқдалар. Масалан, Чирчиқ электрохимия комбинатида эски компрессорлар янгиси билан алмаштирилди. Бу хил ускуналар эгаллаб турган майдон кенгайтирилмагани ҳолда меҳнат унумдорлиги икки баравар ошириди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда шаҳар саноат корхоналари қувончли натижаларга эришмоқдалар. Шаҳар саноатининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашда ижобий роль ўйнаётган баъзи факторлар ҳақида қисқача бўлса ҳам тўхталиб ўтаман.

Шаҳар саноат корхоналари Иттифоқимиздаги турдош корхоналар билан яхши алоқа ўрнатганлар. Улар ўртасида корхоналар билан уларнинг министликлари ўртасида айниқса техника янгиликлари ҳақида оператив ахборотлар олиб туриш намунали йўлга қўйилган. Саноат корхоналари қошида техника информацияси бюролари ишлаб турибди. Улар техника адабиётларида эълон қилинган янгиликларни изчиллик билан корхона ва цех раҳбарларига маълум қиладилар. Турдош корхоналарга ижодий командировкаларга бориш, янгиликларни ўрганиб келиб, ишлаб чиқаришда қўлланиш ҳам яхши натижа бераётир. Масалан, Шчекино химия комбинати коллективининг ишчиларга бир неча касбни ўргатиш ҳисобига иш ўринларини қисқартириш, меҳнат унумдорлигини кескин ошириб, маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳақидаги ташаббуси Чирчиқ химиклари учун ибрат бўлмоқда. Чирчиқ электрохимия комбинатида ҳам бу янгиликни қўлланиш учун катта ташкилий ва техникавий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳримизда марказий илмий текшириш ва лойиҳалаш институтларининг филиаллари, жумладан, Давлат Азот саноати лойиҳалаш институтининг филиали, Автоматика тажриба конструкторлик бюроси, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати қошида Бутуниттифоқ қаттиқ қотишмалар илмий текшириш институтининг филиали, Трансформатор заводи қошида Бутуниттифоқ трансформаторсозлик институтининг филиали ишлаб турибди. Бу илмий муассасалар саноат корхоналарида янги техника ва технологияни кенг қўлланишга баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Трансформатор заводи қошида Бутуниттифоқ трансформаторсозлик илмий-текшириш ва лойиҳалар институтининг филиали 1966 йилда ташкил этилган эди. Ўтган тўрт йил ичида у ерда кучланиш трансформаторлари ва трансформатор подстанцияларининг 12 серияли 45 хили яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Шаҳар саноатида иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиб бориши, техника тараққиёти учун курашда катта ютуқларнинг қўлга киритилиши — ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилаётган инженер-техникларнинг техника билими ва етарли иш тажрибасига эга бўлишига ҳам боғлиқдир. Бу масалада Тошкент политехника институтининг шаҳримиздаги кечки филиали, Чирчиқ индустриал техникумининг кечки бўлими ижобий роль ўйнамоқда. Институтнинг филиали 1957 йилда очилган эди. Сўнгги 7 йил ичида бу институтни саккиз мутахассислик бўйича 952 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тамомлади. Индустриал техникумнинг кечки бўлимини сўнгги беш йил ичида 750 киши битирди. Уларнинг ҳаммаси шаҳар саноат корхоналарида, қурилиш-монтаж ташкилотларида ишламоқдалар. Шаҳар саноати раҳбар ходимларининг 94 проценти олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислардир. Шаҳримиз саноат корхоналари бошқа шаҳарлардаги турдош саноат корхоналарига тажрибали раҳбар кадрлар тайёрлаб беришдек меҳнат дорилфунуни вазифасини ҳам бажармоқдалар.

Шаҳар саноат корхоналарининг меҳнаткашлари доҳиймиз В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейи муносабати билан беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақани қизғин давом эттирмоқдалар ва янги-янги марралар сари интилмоқдалар. Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, беш йиллик планни 7 ноябрда бажаришга, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчилари 1 декабрга бажаришга қарор қилдилар. Уларнинг бу ташаббуси Узбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Бундан илҳомланган шаҳримиз меҳнаткашлари беш йиллик планни шаҳар бўйича 7 ноябрга бажаришга аҳд қилдилар. Чирчиқ кимёгарларининг ташаббуси эндиликда умумшаҳар чақириғига айланиб кетди.

Шаҳар партия ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг асосий вазифаси бош иқтисодий масала бўлган ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш, бунинг учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватидан тўла ва рационал фойдаланиш, фан ва техника янгиликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, иш вақтининг ҳар бир минутидан ва ҳар бир грамм ҳом ашё ва материаллардан унумли фойдаланиш учун курашишдан иборат.

Ф. ЕҚУБОВ,
Узбекистон КП Чирчиқ шаҳар комитетининг биринчи секретари.

МАКТАБНИ ТАМОМЛАБ ЧИҚУВЧИЛАРГА ТАБРИК

Тошкентдаги Олий партия мактаби тингловчиларини навбатдаги чиқариш маросими ўтказилди. 122 киши — Узбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон вакиллари тўрт йиллик ва икки йиллик бўлимларни тамомлаб чиқдилар.

3 июлда ўтказилган тантанали йиғилиш шу маросимга бағишланди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов мактабни тамомлаб чиқувчиларни самимий табриклади. У аълочи тингловчиларнинг бир группасига дипломлар топширди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров қатнашди. (ЎзТАГ).

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

ОҲАНГАРОН. Кечагина шаҳар марказида 280 ўринли болалар боғчаси, китоб магазини, «Лола» кафеси фойдаланишга топширилди.

У. ЖУРАЕВ.

ТУРТКЎЛ. «Қирқобод» колхозида автомат-телефон станцияси ишлай бошлади.

Б. ДУСТЖОНОВ.

ҚАРШИ. «Каршинефтгазразведка» трестининг Ботир Хаитов мастерлик қилаётган коллективи Ғарбий Тошли янги нефть конининг кўзини очдилар.

Н. МУСАМУРОДОВ.

* * *

Редакциямизга яна самарқандлик Т. Абдуллаев, Ҳ. Эргашев, бухоролик Б. Баракаев, Р. Холиқов, сирдарёлик Э. Тўраев, А. Азимов, андижонлик Ғ. Мамажонов, Т. Ҳолмирзаев, хоразмлик Р. Екубов, термизлик А. Қувватаниев, тошкентлик З. Шоймардонов, фарғоналик И. Зияев, тожикистонлик И. Султонов, қирғизистонлик А. Имомов, солдатлар З. Турғунов, Б. Аулов ўртоқлар ҳам шу каби хушхабарлар йўллашган.

Тўла ҳамжиҳатлик вазиятида

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Бирлашган Араб Республикасининг Президенти ва Бош министри, Араб Социалистик Иттифоқининг Раиси Жамол Абдил Носир ўртасидаги музокаралар 1 июль куни Кремлда давом эттирилди.

Бундан аввалги учрашувда бўлгани сингари фикрлашиб олиш сидқидиллик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Бундан кейинги кунларда музокаралар давом эттирилади. (ТАСС).

Кремлда музокаралар

1 июльда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров билан Марказий Африка Республикаси Президенти ва ҳукумат бошлиғи генерал Жан.Бедэль Бокассо ўртасида музокаралар бошланди. (ТАСС).

МАКТАБ ИШИГА УМУМХАЛҚ ЭЪТИБОРИ

Ўзбекистон ССРнинг барча партия, совет, касаба союз, комсомол ва жамоат ташкилотларига ҳамда корхона ва қурилишларнинг, колхоз ва совхозларнинг коллективларига, халқ маорифи ходимларига

Хоразм область Янгиариқ район меҳнаткашларининг МУРОЖААТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Хоразм областидаги Янгиариқ район меҳнаткашларининг мурожаатини маъқуллади. Бу мурожаатда райондаги халқ маорифи ишларини 1971—1975 йилларда тубдан яхшилаш тадбирлари баён қилиб берилган.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети республиканинг партия, совет, касаба союз, комсомол ва жамоат ташкилотларига, корхона ва қурилишларнинг, колхоз ва совхозларнинг коллективларига, халқ маорифи органларига ва мактаб педагоглари коллективларига Янгиариқ райони меҳнаткашларининг қимматли ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва улардан ўрнак олиб, 1971—1975 йилларда халқ маорифини янада ривожлантириш, ўқувчиларга таълим ва тарбия беришни яхшилашга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқишни тавсия этди.

Азиз ўртоқлар!

Совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини тантанали равишда нишонлади.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари Ленин йўлидан дадил бормоқдалар.

Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириши, янги дунёнинг мунсиб қурувчиларини тарбиялаб етиштириши лозим бўлган мактабнинг роли ҳозирги замон шароитида ҳар қачонгидан кўра ҳам ошиб бормоқда.

Янгиариқ районининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари партия XXIII съездининг қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ўрта умумий таълим мактабининг ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарорини бажара бориб, мактабларни кенгайтириш ва кўпайтириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, болаларни ўқитиш ва тарбиялашни такомиллаштириш чораларини кўрмоқдалар.

Революциядан олдин битта ҳам мактаб ва олий маълумотли битта ҳам киши бўлмаган Янгиариқ районида ҳозирги вақтда 71 та умумий таълим мактаби ишлаб турибди ва бу мактабларда 23 мингдан кўпроқ бола ўқитилмоқда, болалар учун очилган музика ва спорт мактаблари ишлаб турибди. Болаларни 1200 муаллим ўқитиб тарбияламоқда. Шулардан 673 киши олий маълумотга эга. Бундан ташқари райондаги мавжуд 30 та мактабгача тарбия болалар муассасаларида 1680 бола тарбияланмоқда.

Мактаблар қуриш ҳам кенг авж олиб кетди. Шу беш йилликнинг ўзидагина 5560 ўқувчига мўлжалланган 19 та типовой мактаб биноси қурилди. Маориф объектларини қуришда колхозлар ва райондаги бошқа ташкилотлар бевосита қатнашмоқда.

(Давоми учинчи бетда).

МАКТАБ ИШИГА УМУМХАЛҚ ЭЪТИБОРИ

(Боши иккинчи бетда).

Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ялпи ўрта таълимга ўтиш муносабати билан республикада халқ маорифини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қаророни амалга ошира бориб, Янгиариқ районининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари келгуси беш йилликда (1971-1975 йилларда) қуйидаги тадбирларни ўтказишга қарор қилдилар:

1. Мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаймиз, бунинг учун:

—12.736 ўқувчига мўлжалланган 27 та мактаб биносини қуриб жиҳозлаймиз, шу жумладан 8776 ўқувчига мўлжалланган 20 та мактабни колхоз маблағлари ҳисобидан, 960 ўқувчига мўлжалланган 3 та мактабни совхозларнинг маблағлари ҳисобидан, 3000 ўқувчига мўлжалланган 4 та мактабни давлатнинг капитал маблағлари ҳисобидан қуриб жиҳозлаймиз;

— мавжуд мактаб биноларига қўшимча қилиб, 41 та синфхона, 15 та ошхона, 21 та ўқув кабинети, куни узайтирилган группалар учун ва мактаб ҳузуридаги интернатлар учун 11 та бино қурамиз;

— спорт заллари бўлмаган мактабларда 8 та спорт зали қурамиз;

—ишлаб турган мактабларда 53 та ўқув кабинетини, 40 та устахонани янгидан ускуналаймиз;

— 66 та ўқув кабинетини, 27 та устахонани қўшимча ускуналар билан таъминлаймиз;

— мактабларга 436 минг сўмлик янги асбоб-ускуна олиб берамиз.

2. Мактабгача тарбия болалар муассасалари шохобчаларини кенгайтирамиз, бунинг учун:

— 900 ўринли 10 та мактабгача тарбия болалар муассасаларини қўшимча равишда қуриб битказамиз;

— мактабгача тарбия болалар муассасаларига яроқли тайёр биноларни шу муассасаларга ўтказиб, 1000 ўринли 9 та янги мактабгача тарбия муассасалари очамиз.

3. Район марказида болалар спорт мактаби учун бино қуриб берамиз ва бўшаб қолган бинолардан фойдаланиб, пионерлар уйи ва болалар музика мактаби ташкил этамиз.

4.1971 йилдан 1975 йилгача бўлган даврнинг ичида мактабларнинг моддий базасини юқорида кўрсатиб ўтилганидек кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун жами 11.255 минг сўм маблағ ажратамиз, шу жумладан колхозчилар умумий йиғилишларининг қарорларига биноан колхозларнинг маблағларидан 8.563 минг сўм, совхозларнинг маблағларидан 840 минг сўм, давлат капитал маблағларидан, халқ хўжалиги плани доирасига мувофиқ 1.852 минг сўм пул ажратишни кўзда тутамиз.

5. Ўқитувчиларнинг квартираларини, асбоб-ускуналарни, ўқув куролларини, мактабларни ва бошқа муассасаларни ҳар йил 20 августга қадар юқори сифатли ремонтдан чиқарамиз.

6. Мактаблар, болалар боғчалари, яслилари, мактабдан ташқари муассасаларнинг территорияларини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини давом эттирамиз. Мактабларга олиб келадиган йўлларнинг ҳаммасига асфальт ётқизамиз, барча мактаблар ва болалар боғчалари ҳузурида боғ ва токзорлар барпо қиламиз, уларни ҳар доим парвариш қилишни ташкил этамиз.

7. 1972 йилга қадар мактабларни ва болалар муассасаларини тўла равишда радиолаштирамиз, электрлаштирамиз, овқат пиширилади ган жойларни газлаштирамиз, қудуқлардан сув чиқарадиган қувурлар ўрнатамиз.

8. Мактаблар ва мактабгача тарбия болалар муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш юзасидан олинган мажбуриятларининг ҳаммаси район ва областнинг моддий-техникавий ресурслари доирасида амалга оширилади.

9. Умумий мажбурий таълим тўғрисидаги Қонунни ҳеч сўзсиз ва тўла-тўкис бажариш масаласи бутун район жамоатчилигининг диққат марказида туради.

Шу мақсадда:

—1970—1971 ўқув йилидан бошлаб мактабдан узоқда яшовчи болаларнинг ҳаммасини маршрут автобусларида ҳамда колхоз ва совхозларнинг транспортларида ҳар кун мактабларга олиб келиш ва уйларига қайтариб олиб бориш ташкил этилади;

— куни узайтирилган группаларда шуғулланишга эҳтиёжи бўлган ўқувчиларнинг ҳаммаси 1975 йилнинг охиригача шу группаларга тортилади;

— бюджетдан ажратилган маблағларга қўшимча равишда ҳар бир колхоз ва совхоз, корхона ва ташкилот умумий мажбурий таълим фондига берадиган ўзининг ажратмаларини йилдан-йилга кўпайтира беради.

10. Ёшларга умумий ўрта таълим беришга ўтиш тадбирлари ҳамма жойда амалга оширила беради, шу муносабат билан:

— саккиз йиллик мактабларни ўрта мактабларга бирин-кетин ўрта мактабларга айлантириш учун зарур шароит вужудга келтирилгандан сўнг бу мактабларни бирин-кетин ўрта мактабларга айлантириш ишни давом эттирилади;

— ишлаб турган, ўрта маълумоти бўлмаган ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта маълумот олишлари учун бутун зарур шарт-шароит яратиб берилади;

— кадрларга эҳтиёж бўлганлиги сабабли саккиз йиллик ва ўрта мактабларни битириб чиқаётган ёшлар ишга жойлаштирила беради ёки ҳунар-техника мактабларига, ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ўқишга юборила беради.

11. Саккиз йиллик ва ўрта мактабларнинг ҳаммасида ошхоналар ишлаб туради.

Колхозчилар умумий йиғилишларининг қарорларига мувофиқ уларнинг болалари машғулот кунларида колхозларнинг маблағлари ҳисобидан бир марта иссиқ овқат билан, шу жумладан: 1-синфларнинг ўқувчилари 1970/71 ўқув йилидан бошлаб, II-III синфларнинг ўқувчилари 1975/76 ўқув йилидан бошлаб таъминланади.

12. Халқ маорифи органлари ва мактабларнинг педагоглар коллективлари ўқувчилар билан олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари сифатини муттасил такомиллаштирадилар, давлат программаларида қўйилган талаблар даражасида уларнинг тўла равишда улгуришларига эришадилар ва ўқувчиларни коммунизм қурувчиларнинг ахлоқ кодекси руҳида тарбиялашни таъминлайдилар.

13. Ўқитувчиларнинг гоявий-сиёсий, илмий-назарий ва методик жиҳатдан яхши тайёрланган бўлиши ўқувчиларнинг улгуришини ва билимлари сифатини ошириш, улар билан тарбиявий иш олиб бориш ҳал қилувчи омил эканлигини ҳисобга олиб, барча ўқитувчиларни ҳамда мактаб, халқ маорифи органлари ва болалар муассасаларида ишловчи бошқа ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таъминланади, педагоглар ўртасида методик ишлар мактабларни янги ўқув планларига, программаларига ўтказиш талаб даражасида мувофиқ олиб борилади, бу ишга барча ўқитувчилар тортилади.

Азиз дўстлар!

Болалар бизнинг фахримиз, шуҳратимиз, келажагимиз. Оталар ва онадарнинг қонли жигаргўшалари ва меҳнат анъаналарини давом эттиради, коммунизмнинг нурафшон биносини муносиб қурувчилар мана шу болалар бўлади. Биз учун ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашдан ҳам муҳимроқ вазифа бўлиши мумкин эмас.

Олинган мажбуриятларни бажариш биздан катта куч, гайрат ва сабот талаб қилишини биламиз.

Мактабларимиз ва болалар муассасаларимизда таълим-тарбия ишларини ҳозирги замон талаблари даражасида ўтказишни таъминлайдиган энг яхши шарт-шароит вужудга келтириш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Биз республиканинг партия, совет, касаба союз, комсомол ва жамоат ташкилотларига, корхона ва қурилишларнинг, колхозлар ва совхозларнинг коллективларига, халқ маорифи ходимларига, бутун жамоатчиликка мурожаат қилиб, уларни биздан ўрнак олишга ва Совет Ўзбекистонида халқ маорифини янада ривожлантиришга даъват этамиз.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАГИ ЯНГИАРИҚ РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ДИЛ САТРЛАРИ

Шовот райони Хоразм областининг қишлоқ хўжалиги ривожланган районларидан бири ҳисобланади. Районда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йил сайин ўсиб бормоқда. Район соғлиқни сақлаш муассасаларининг шифокорлари эса меҳнат аҳлининг кўлга киритаётган ютуқларидан баҳраманд бўлиб, уларга медицина хизмати кўрсатишни тобора яхшилаётирлар.

Бу ерда медицина муассасалари тармоқлари йил сайин кенгайиб, улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бундан 38 йил муқаддам районда касалхона қурилиб, у атиги йигирма беш ўринга эга эди. Ҳозир районда 26 медицина муассасаси ишлаб турибди, 465 ўринга эга бўлган 8 касалхона, 19 фельдшер-акушерлик ва бошқа шу каби пунктлари, 4 та дорихона меҳнаткашлар хизматида. Буларда 35 врач ва 260 дан ортиқ ўрта малакали медицина ходимлари ишламоқда.

Медицина тармоқларининг кенгайишига район хўжаликлари яқиндан ёрдам беришмоқда. Айниқса, «Москва», Чкалов номли, Киров номли, «Правда», «Партия XXII съезди» колхозларининг кўрсатаётган амалий ёрдами мактовга лойиқдир.

Куни тунга ва тунни кунга улаб ҳормай-толмай ишлаётган оқ халатли шифокорлар номига даволаниб, меҳнат қучоғига қайтганлардан ҳар куни чин юрак сатрлари битилган даста-даста раҳматномалар келиб турибди.

Ф. ҚУТЛИМУРОДОВ.

Бугун—Халқаро кооператорлар куни

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Барча мамлакатларда халқаро кооператорлар кунини ҳар йили тантанали нишонлаш анъанага айланган. Ўзбекистон матлубот кооперацияси ходимлари ҳам ана шу улкан байрамни катта меҳнат ғалабалари билан кутиб олдилар. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида матлубот кооперацияси товар оборота 45 процент кўпайди, савдо маданияти юксалди.

Шуни таъкидлаш қувончлики, умумий товар оборотида қишлоқ меҳнаткашларнинг маданияти ва турмушини юксалтиришга имкон берадиган товарларнинг сони мунтазам ошмоқда. Масалан, ўтган йили телевизорлар сотиш 1965 йилдагига нисбатан 2,5 марта, холодильниклар сотиш 2,4 марта, мебеллар харид қилиш 1,6 марта, трикотаж буюмлари 2,8 марта, тайёр кийимлар сотиш эса 1,8 марта кўпайди. Бу рақамлар меҳнаткашларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари тобора ошаётганини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Матлубот кооперацияси ходимларининг савияси кун сайин юксалмоқда. Матлубот кооперацияси системасига кўплаб ёшлар ишга келмоқда. Ҳозир «Ўзбекбирлашув» системасида меҳнат қилаётганларнинг 30 процентини ёшлар ташкил қилади.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларига, шу жумладан матлубот кооперацияси учун етук кадрлар етказиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилиш партия ва ҳукуматимизнинг диққат марказида турибди. Партия ва ҳукуматимизнинг қарорларига амал қилиб бориб «Ўзбекбирлашув» правлениеси кейинги йилларда кадрлар тайёрлаш бўйича анча иш қилди. Шу кунларда республикамизда 4 та кооператив техникуми, битта сиртқи кооператив техникуми, 8 та профессионал техника кооператив билим юртлари, инструкторлик-ревизорлик мактабларида қўплаб ёшлар таълим олмоқдалар. Сўнгги йилларда кооператив ўқув юртларининг ўқув моддий базаси анча мустаҳкамланди ва кенгайди, уларда ўқувчиларнинг сони ҳам кўпайди. Сурхондарё ва Сирдарё областларида оммавий касблар бўйича кадрлар тайёрловчи профессионал-техника кооператив билим юртлари ташкил этилди. Бухоро кооператив техникуми учун янги ўқув корпуси ва спорт зали, Фарғона техникумига ҳам замонавий спорт зали қуриб берилди. Қарши ва Нукусдаги билим юртларининг комплекс иншоотлари қурилиши тугалланмоқда. Тошкент кооператив техникуми биноси қурилиши бошланди.

Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида кооператив ўқув юртларини 32415 киши тамомлади. Бу ўтган тўрт йил мобайнидагига нисбатан 10760 киши кўпдир. Малака ошириш курсларида 2630 киши таълим олди. Буларнинг ҳаммаси республикамиз кооператорлари сафини малакали кадрлар билан бойитишга имкон берди.

Партия ва ҳукуматимиз матлубот кооперацияси ходимларининг камтарин меҳнатини юқори баҳоламоқда. Уларнинг энг илғорлари Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланганлар. 46 киши «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи» унвонларига сазовор бўлганлар.

Чет эл кооператив ташкилотлари билан алоқаларимиз йил сайин кенгаймоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида республикамизда Вьетнам Демократик Республикаси, Венгрия, Чехословакия, ГДР, Замбия, Сенегал, Кения ва бошқа мамлакатларнинг матлуботчилари делегациялари меҳмон бўлдилар. Ўз навбатида Ўзбекистон матлубот кооперациясининг вакиллари Гвинея, Сенегал, ГДР, Япония ва бошқа мамлакатларда бўлдилар.

Республикамиз кооператорлари шу кунларда она-Ватанга 4 миллион 100 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш учун бошланган умумхалқ курашининг олдинги сафида бормоқдалар. Улар пахтакорларга ўзаро парваришининг ана шу долзарб кунларида маданий-маиший ва савдо хизматини янада яхшилаш, уларга кундалик зарур товарларни ўз вақтида етказиб бериш, савдо маданиятини янада юксалтириш учун тинмай курашаётирлар. Қишлоқ меҳнаткашларининг оғирини енгил қилишга интилаётирлар.

З. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекбирлашув» правлениеси раисининг ўринбосари.

Андижон области. Областда лалмикор ерларни ўзлаштириш учун насос станциялари қурилмоқда, янги каналлар қазилмоқда. Бу йил 5 минг гектар янги ер ўзлаштириш мўлжалланган. Суратда: лалмикор ерларда нов ётқизиш пайти.
Р. Ашуров, фотоси. (УзТАГ фотохроникаси).

Ажаб савдолар

«ОТА МЕРОС»

«Тез ёрдам» машинасининг кимга хизмат қилиши еттидан етмиш яшаргача ҳаммага маълум. Буни кимсан Товоқсой участка касалхонасининг бош врачи М. Раҳимбеков ҳам биларди. Лекин у билиб туриб ўзини билмасликка солади. «Бетимнинг қалини, жонимнинг ҳузури» деган гап бор. Раҳимбеков буни ҳам яхши билади. Бу мақолни маъносига тушунмаганида, касалхонага қарашли «тез ёрдам» машинасини ота меросдек эгаллаб олмасди. Машина Товоқсой посёлкаси билан Чорвоқ орасида бўзчининг мокисидай қатнамасди ҳам.

У ишга ҳам, уйига ҳам худди шу машинада бориб келаверди. Агарда йўлда кетган бензиннинг бир кварталдагисини унинг ойлигидан ундириб олинса, балки, у бу одатини ташлаган бўлармиди? Бошқалар бу ҳақда ўйламагач, мен ҳеч қачон ўйламаганим бўлсин, деб машинада ялло қилиб юраверди. Меҳмонга боришда ҳам, бозор-ўчар қилишда ҳам «тез ёрдам» машинасидан фойдалана берди.

Кимда-ким «бу ишингиз яхши эмас, машина касалхонаники бўлгач, беморларга хизмат қилиши керак-да» деса борми, Раҳимбековнинг тепа сочи тикка бўлиб, дарров тутун қайтарарди. Бора-бора у касалхона ходимлари ва беморлар билан ҳам қўпол муомала қила бошлади.

Биров жўраъат этиб:

— Биродар, ростини айт, Машина касалхонага қарашлими ё лотерея билетига чиққанми? — деб сўраб колса:

— Оғзингга қараб гапир. Мен бош врач бўлганимдан кейин машина меники бўлади, — дейиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди.

Яқинда Бўстонлиқ район халқ контроли комитети Раҳимбековнинг мансабини суиистеъмол қилаётганлигини таъкидлаб, унга нисбатан тегишли чора кўрди.

«Яхши отга бир қамчи», деган гап бор. Раҳимбековда инсоф бўлса, тегишли хулоса чиқариб олгандир. Бундан кейин ҳар бир қадамини ўйлаб босар, тутун қайтармас дейишингиз мумкин. Масаланинг бу томони М. Раҳимбековнинг ўзига боғлиқ. Эгаллаб турган лавозими ҳам шуни тақозо этади.

Биз ушбуни сизнинг эътиборингизга ҳавола қилиш билан бирга, кўпчиликнинг ғашини келтираётган бир гапни айтмоқчимиз. Ўз мансабини суиистеъмол қилиб, ташкилот, корхона ва муассасаларга қарашли машиналарни «ота мерос»га айлантириб, кўча чангитаётганлар анчагина.

Ўткир АБДУАЗИМОВ.

УНВОНЛАР МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. В. СТРУСЕВИЧГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ИРРИГАТОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика сув хўжалигида узоқ йиллар ишлаганлиги ва уни ривожлантиришдаги хизматлари учун «Главсредазирсовхозстрой» техника бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Николай Владимирович **Струсевичга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 2 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. М. МАДЕРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигида узоқ йиллар самарали ишлаганлиги ва боғдорчилик ҳамда узум етиштиришда юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун Андижон областидаги Киров номли 5-боғдорчилик ва ток совхозининг директори Масодиқ Мадёрович **Мадёровга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 2 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

БУХОРО ОБЛАСТИДАГИ ЗООТЕХНИКА-ВЕТЕРИНАРИЯ ХОДИМЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ЧОРВАДОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Чорвачиликда узоқ йиллар самарали ишлаганлиги ва Бухоро областидаги чорва моллари орасида ойланчиқ касалини тугатишда эришган катта муваффақиятлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони берилсин:

Абдураҳмонов Мустафо Раҳмонович — область совхозлар трестининг зоотехниги,

Богданов Шомил Нураҳмедович — Конимех район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош ветеринария врачи,

Курамбоев Ўроза — Томди районидаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалликларига қарши кураш станциясининг ветеринария участка мудири,

Рассоха Анна Петровна — Ўзбекистон КП область комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг инструктори,

Рўзимурадов Бек — Шофиркон районидаги «Шофиркон» қорақўлчилик совхози биринчи фермасининг ветеринария фельдшери,

Халимов Ҳаким — Ғиждувон районидаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалликларига қарши кураш станциясининг ветеринария врачи,

Чеботова Мария Николаевна — Свердлов районидаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалликларига қарши кураш станциясининг ветеринария врачи.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 2 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. М. АНДРЕЕВ ВА В. В. КОРЯВКОГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Темир йўллар қурилишида беқиёс ишлаганлиги ҳамда янгидан қурилаётган Қўнғирот—Бейнов йўлида ишчи поездлар қатновини муддатидан илгари бошлаб берганлиги учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин:

Андреев Иван Матвеевич — «Средазстроймеханизация» трести 30-механизациялашган колоннасининг экскаватор-машинисти.

Корявко Владимир Витальевич — «Средазстроймеханизация» трестининг бош инженери.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 2 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Гижжа касалликларига қарши курашда катта ташкилий ҳўжалик ва ветеринария-санитария ишларини ўтказганлиги ва шунинг натижасида Бухоро областининг чорвачилигини ойланчиқ касаллигидан тамомила қутқазиб қолишга эришганлиги учун областнинг бир группа зоотехник-ветеринария ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Қўнғирот—Бейнов темир йўли қурилишида беқиёс ишлаганлиги ва шу йўлда ишчи поездлар қатновини муддатидан илгари бошлаб беришда актив қатнашганлиги учун бир группа бинокорлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

УНИВЕРСАЛ ЕР ҚАЗУВЧИ МАШИНА

Ленинграддаги Бутуниттифоқ ер қазиш машинасозлиги илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари универсал серунум ариқ тозалагич машина яратдилар. Бу агрегат соатига узунлиги бир километр ва чуқурлиги икки метрга борадиган ариқ ёки зовурни тозалаб бера олади. Қазиб чиқарилган тупроқ махсус иттигич қисм воситасида 10—15 метр нарига олиб ташланади. Бу ишни агрегат машинисти ростлайди. Машинанинг ўт ва бута ўрадиган косилкаси ҳам бор.

ЭЛЕКТРОНИКАЛИ ТАРОЗИ

Киевдаги Дзержинский номли завод электрон қурилма билан таъминланган автомат тарозиларнинг дастлабки туркумини тайёрлаб берди. Тортиш олдидан автоматга программа киритилиб, унга маҳсулот тури билан унинг нархи кўрсатилади. Харид қилинган маҳсулотнинг вазни ва нархини шуъ-ладаланувчи табло кўрсатиб туради, махсус блок эса шу заҳоти чек ёзиб туширади. Битта шундай автомат ўнта сотувчининг ўрнини боса олади.

КАРТОНДАН... ВЕНТИЛЯТОР

Ишлаб чиқаришда қоғоздан шовқинга қарши курашда фойдаланила бошланди. Қоғоз муваффақият билан... металл ўрнини боса олади. ВЦСПСнинг Грузиядаги меҳнатни муҳофаза қилиш институти ходими А. Меликсетов картондан вентилятор ясади. Мутахассисларнинг айтишича, қоғоз вентиляторлардан фойдаланган театрлар, клублар, радио студиялар, телевизион ва товуш ёзиб олувчи студиялар биноларида шовқин қатлиқлигини тўрт баравар пасайтирадилар.

(ТАСС).

3 июль — Ғалла ўрим-йиғими

Республика областларида ғалла ўрим-йиғими ва дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

1 - стун—бир кунда ўрилган майдон (гектар ҳисобида); 2 - стун—мавсум бошидан буён (гектар ҳисобида); 3 - стун—планнинг бажарилиш процента; 4 - стун—бир кунда тайёрланган дон (тонна ҳисобида), 5—стун—мавсум бошидан буён (тонна ҳисобида), 6 - стун планнинг бажарилиш процента.

Андижон	—	8700	100,0	—	125	—
Фарғона	155	4061	82,9	—	283	—
Сирдарё	3759	149138	81,4	409	42767	104,3
Қашқадарё	6459	216860	75,6	1186	59108	123,1
Самарқанд	11017	267675	72,3	2236	50520	87,1
Наманган	233	7181	70,4	18	4133	—
Сурхондарё	565	36962	60,4	100	8151	101,9
Бухоро	250	6372	59,0	282	1383	—
Тошкент	3240	48224	52,3	578	7623	69,3
Республика бўйича:	25678	745173	72,5	4809	170373	102,6

ТЕРМИЗ районидаги Жданов номли колхозда беда ҳосили мўл бўлди. Ем-хашак тайёрлаш бригадасининг аъзолари беш марта ўрим ўтказишни мўлжалламоқдалар. Шу кунгача 1800 тонна беда ғарамлаб қўйилди. Суратда: бўрдоқичилик фермасининг мудири И. Норовни бедазорда кўриб турибсиз. Ҳосил чўғидан мудирининг қувончи чексиз.

ЎзТАГ фотохроникаси.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ДАЛАЛАРИДА

Ўзбекистон билан мусобақалашаётган Ўрта Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалик ходимлари беш йилликнинг якунловчи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларининг бажарилишини ўзаро текшириш мақсадида республикамизга келишди. Меҳмонлар орасида қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ва совет ходимлари, юқори ҳосил усталари, механизаторлар бор. Туркманистон пахтакорларининг группасига Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари С. Я. Лапин, Тожикистон пахтакорларининг бригадасига эса Тожикистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Б. Ш. Шамсутдинов бошчилик қилмоқда. Тез орада Озарбайжондан ҳам меҳмонларнинг келиши кутилмоқда.

Туркманистон билан Тожикистон пахтакорлари группаларга бўлиниб, республика колхоз ва совхозларига жўнаб кетишди. Меҳмонлар хўжаликларда ғўза парваришининг боришини текшириш билан бирга иш тажрибаларини бахам кўрадилар. (ЎзТАГ).

«ФАРҒОНА» ФИДОКОРЛАРИ

Сирдарё областидаги «Фарғона» совхози коллективи бу йил мамлакатга 12200 тонна «оқ олтин» армуғон этади. Шу мақсадда далаларда ғўза парваришли кун сайин қизғин тус олаётир.

Совхозда фидокорлар кўп. Ҳар туп ғўзани меҳр билан парваришлаётган Мухторжон Охунов бригадаси азаматларининг меҳнати мақтовга лойиқдир. Холбува ота ва Саидмурод ака каби уста сувчиларнинг астойдил меҳнати туфайли бригада ғўзалари эрта-индин гуллай бошлайди.

М. ХОЛМАТОВ.

ДЕҲҚОНЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

(ПРАВКА БЮРОСИ Совет Ўзбекистони)

Март ойида колхозларнинг Иттифоқ кенгаши тузилди. У колхозчиларнинг марказлаштирилган социал страхование фондини тузиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида қарор қилди. Шу муносабат билан редакцияга колхозчилардан кўплаб хатлар келмоқда. Улар колхозчиларга қандай имтиёзлар берилишини шархлашни сўраганлар:

Беш йиллик планда (1966—1970 йиллар) колхозчиларнинг маданий ва маиший аҳволини янада яхшилаш соҳасида катта-катта ижтимоий-иқтисодий тадбирлар белгиланган. Колхозчиларга худди давлат идораларининг ишчиларидек гарантияланган ойлик тўлаш жорий этилди. Беш йилликда қишлоқларда давлат ҳисобидан бир ярим миллионта уй-жой, деҳқонларнинг шахсий жамғармалари ва давлатнинг қарз бериб туриши ҳисобига икки ярим миллион квартира қурилди.

Колхозчиларга катта имтиёзлар берилди. 1964 йилда қишлоқ хўжалик артели аъзоларига пенсия тўлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинган эди. Шу қонунга биноан марказлаштирилган фонддан колхозчи-аёлларга олти йилдан буён ҳомиладорлик даври учун (ишчи ва давлат идораларида ишлаётган хотинларга тўланадиган миқдорда) нафақа бериб келинаётир.

Колхозларда ишлаётган мутахассислар ва механизаторлар (3 миллионга яқин киши) пенсиядан ташқари, худди давлат идораларининг ходимларидек, вақтинча иш қобилиятини йўқотганликлари учун давлатдан ёрдам олмоқдалар, Аммо бу тартиб оддий колхозчилар учун ҳалигача жорий этилмаган. Кўп хўжаликлар ўз аъзоларига касаллиги даврида нафақа тўлайди, уларни дам олиш уйи ва санаторийларга юборади, болаларга пионер лагерларига йўлланма беришади. Бу тартиб, ҳар бир колхозда бошқачадир, айрим колхозларда меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганларга нафақа тўлашда иш стажи ҳисобга олинаётган бўлса, айримларида бу ҳисобга олинмаяпти. Айрим хўжаликларда беморлик даврининг ҳаммаси учун ёрдам берилаётган бўлса, айрим жойларда 30—60 кун учун ҳақ тўланяпти. Бир жойда иш ҳақининг 30—50 процента миқдорида тўланаётган бўлса, бошқа бир жойда 90 процентгача тўланяпти. Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съезди ҳамма жойда, ҳамма колхозчилар учун ягона тартиб жорий этишга қарор қилди. Шу мақсадда колхозчиларнинг марказлаштирилган иттифоқ фонди тузилмоқда. Социал страхование учун бир йилда 350 миллион сўм белгилаш мўлжалланган. Бу маблағ нималарга сарфланади?

Бу маблағнинг қарийб 80 процента меҳнат қилиш қобилиятини вақтинча йўқотганларга нафақа тарзида берилади. Узлуксиз иш стажи 3 йилгача бўлган колхозчи касал бўлиб қолса — 50 процент, 3—5 йиллик стажга эга бўлган колхозчи — 60 процент, 5—8 йиллик стажи бўлганлар — 70 процент ва 8 йилдан ошиқ стажи бўлган колхозчилар эса 90 процент миқдорида нафақа оладилар.

Иш даврида жароҳатланган, меҳнат қобилиятини йўқотган ёки касб-кор касалига чалинганларга ҳамда Ватан урушининг мажруҳларига, узлуксиз иш стажидан қатъи назар, иш ҳақининг юз процента миқдорида нафақа тўланади. Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотгач, санаторийда даволанишга муҳтож бўлган ёки оиласидаги бирор киши касал бўлиб қолган колхозчиларнинг ҳаммаси нафақа олиш ҳуқуқига эгадир. Колхозчига неча кун учун нафақа тўлаш масаласини колхоз правлениеси касаба союз комитети билан бирга белгилайди. Бунда врач томонидан берилган ҳужжатга асосланилади.

Колхозчиларнинг социал страхование бюджетидаги қирқ етти ярим миллион сўм санаторий, дам олиш уйи ва пионер лагерларига йўлланмалар олишга сарфланади. Бу сарф-харажатлар совхоз ишчилари учун белгиланган тартибда ва ўша нормада бўлади.

Мамлакатимизнинг бир қатор республикалари ва областларида колхозлар маблағидан колхозлараро дам олиш уйлари қурилмоқда. Ҳозир 14 минг ўринли 70 та дам олиш уйи қурилаётир. Яна 60 таси лойиҳалаштирилди. 1970—1973 йилларда бу санаторий, дам олиш уйлари ва пансионатларда ҳар йили 600 минг деҳқон дам олиши, даволаниши мумкин.

Колхозларнинг касаба союз комитетлари марказлаштирилган фонддан колхозчиларга нафақа белгилайди, қишлоқ хўжалик артели аъзоларига йўлланма—путёвкалар беради. Бу ишга колхозчилар кенг жалб этилиши керак. Ҳар бир бригададан сайланган вакил колхоз касаба союз комитетига бу соҳада ёрдам беради. Улар касаба союз комитети мажлисларида қатнашадилар, бригада бошлиқлари билан биргаликда меҳнатга вақтинча лаёқатсиз бўлиб қолган колхозчига тўланадиган нафақа миқдорини белгилайдилар, касаллик ҳақидаги ҳужжатга керакли белги қўядилар.

Колхозчиларнинг марказлаштирилган страхование фондининг яратилиши ва бу соҳада ягона тартибнинг жорий этилиши шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотишга, шаҳар меҳнаткашлари билан қишлоқ аҳлининг турмуш шароитларини бир-бирига яқинлаштиришга омил бўлади.

ХЎЖАЙЛИЛИК ХЎЖАКЎРСИНЧИЛАР

Хўжайли район партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, улар «Июль ойи — ҳосилга ҳосил қўшилади. ган ой, зиммага олинган мажбуриятни қоплайдиган ҳосил пишоналари шу ойда тўпланади» дейдилар ва бутун куч, техника воситалари ғўза парваришини кучайтиришга сафарбар этилгани айтиб мағрурланадилар. Амалда эса шунга яраша иш қилмайдилар. Район колхозлари ва совхозларида бўлган киши ғўза парваришида жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганини кўриб ачинади. Яқинда бир шу районда бўлиб, ғўза парваришининг бориши билан танишдик.

Аввало шуни айтиш керакки, ишчи кучлари, техника воситалари шу мақсад йўлига тўла сафарбар этилмаган. Ҳар бир хўжаликда камида 5-6 трактор дала ишларига чиқарилмаган, мавжудларнинг иш унуми жуда паст. Давлатдан харид қилинган минерал ўғит очиқ ҳаводда сочилиб ётибди. Сувдан фойдаланишда айниқса хўжасизликка йўл қўйиляпти. Мавсум бошлангандан буён суғориш графиги бажарилмаяпти, оқар сув эвурлар, кераксиз жойларга оқиб ётибди. Графикда сувчилар сони кўпайтирилгани таъкидланса-да, амалда камайтириб юборилган.

«Ленин байроғи» колхозидамиз. Катта-катта пахта майдонларини бегона ўт босиб кетган. Баъзи пайкалларни сув босиб ётганг ҳолда, айрим пайкаллардаги ғўзалар сувсизликдан қовжираб кетибди. Сувчиликка ажратилган 110 кишидан 50 таси дала ишларида қатнашмаяпти. Натижада колхоз бўйича ҳар куни 25 гектарга етар-етмас майдондаги ғўза суғориляпти, холос. У. Холжонов, И. Тонгатаров, Қ. Хўжамуродов бошчилик қилаётган бригадаларга қарашли майдонлардагч ғўзалар бегона ўт орасида сариқ поча бўлиб ётибди. Шунга қарамай, узунасига-кўндаланг культивация ўтказиш, чопиқ қилиш, бегона ўтни илдизи билан юлиб ташлаш чоралари кўрилмаяпти.

Бу қадар ташаншли аҳволнинг рўй беришига сабаб шуки, колхоз раиси Собир Абдалов меҳнатни тўғри уюштира олмаяпти, резервларни ғўза парваришини кучайтиришга сафарбар этишнинг уддасидан чиқмаяпти. Далада ишлаётганларга етарли маданий-маиший шароит яратиб берилган эмас. Мўл ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган жойларда коммунистларнинг ташкилотчилик роли сезилмаётир. Меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган.

Ж. Давлатов директорлик қилаётган «Амударё» совхозида аҳвол бундан ҳам ёмон. Пахта майдонлари бегона ўтдан тозаланган эмас. 1700 гектар ердаги ғўзадан энди 234 гектардагиси суғорилди. Ер етилиши билан культивация қилинмаслиги туфайли нам кўтарилиб кетяпти. Натижада ниҳолнинг ўсиш ва ривожланиши сусайяпти, такрор суғориш ўтказилиб, бир иш икки қилиняпти.

Директор хўжаликда ишчи кучи етишмаслигидан нолийди. Тўғри, бошқа хўжаликлардагига нисбатан бу ерда ҳар бир ишловчи ҳисобига кўпроқ пахта майдони тўғри келади. Шуни ҳам айтиш керакки, совхоз техникага энг бой хўжалик. Мавжуд универсаллар, ўғитлагич агрегатлар тўла ишга туширилса, ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш мумкин. Амалда шундай қилинмаяпти. Бир универсал билан кунига эўрга 4-5 гектар майдонда культивация ўтказиляпти. Ваҳолонки, илғор хўжаликларда универсалларнинг кунлик иш унуми 8-10 гектарни ташкил этаётир.

Ўртоқ Матсафоева раислик қилаётган Энгельс номли колхозда сувдан фойдаланишда бебошлиқлик ҳукм сурмоқда. Колхоз жуда катта сув ресурсига эга. Оқарсуванинг ҳар литридан ишнинг кўзини билиб фойдаланилса, ҳамма майдонлардаги ғўзаларни шу кунгача камида 3-4 марта суғориш мумкин эди. Амалда эса ҳали биринчи суғориш тугаллангани йўқ. Бу ерда мутахассисларнинг ташкилотчилик роли сезилмайди. Сувчилар қайси пайкалга қачон сув олишни, ҳар гектар ерга неча куб метр сув сарфлашни билмайди. Сув камоб бригадаларда ғўзаларни эгат оралатиб суғориш чоралари кўрилмаётир. Шунисн ачинарлики, илғор сувчилар рағбатлантирилмагани сингари, сув ирофгарчилигига йўл қўйётган айрим кишилар қаттиқ тартибга чақирилмаётир. Туғи сувчиларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатилмаган. Биз колхозда бўлган кунимиз 110 сувчидан атиги 57 киши ғўза суғорганини аниқладик. Қолган сувчилар нега дала ишларида қатнашмади, деган саволимизга Ўртоқ Матсафоева елка қисиш билан жавоб берди.

С. Дуйсемуродов раислик қилаётган «Коммунизм», С. Нурматов раислик қилаётган Калинин номли колхозларда ҳам ғўза парваришн ўлда-жўлда бўлиб қолаётир. Карл Маркс номли колхозда кўчат сони бут бўлмади, чигит ола чиққан жойларга қўшимча уруғ ташлаш чоралари кўрилмади. Эндиликда эса, мавжуд ниҳолларни яхши парваришлаш йўли билан юқори ҳосил етиштириш тадбирлари амалга оширилмаётир. Колхоз раиси О. Отаниёзов хўжаликда меҳнатни тўғри ташкил қилиш ўрнига, юқори ташкилотлардан ёрдам сўрашдан нариги ўтмаётир. Далалардаги ғўзалар эса қаровсизликдан қовжираб қолаётир.

Хўжайли район қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари колхоз ва совхозларда бўлган кезларида «ҳаво исиб кетди, бундай паллада ғўзаларни тунда суғоришга алоҳида эътибор бериш керак» деб нақл қўйидилар-у район марказига жўнаб қолади-лар, кундузги суғориш графиги бажариляптими, тунги сувчилар қандай ишлаяпти, сон билан сифат ўртасида боғланиш борми, илғор сувчиларнинг тажрибаси оммалаштириляптими?.. Бундай масалалар билан асло шуғулланмайдилар. Натижада ғўзаларни қондириб суғориш юзасидан тузилган графиклар барбод бериладётир. Шу кунгача 9130 гектар майдондаги ғўзадан энди 2877 гектардагиси суғорилди. Ҳар куни 410 гектар майдонга сув таралиши керак. Амалда 260 гектар ерга сув тараляпти, холос. Район бўйича 6000 гектардан кўпроқ майдондаги ғўзалар сувсизликдан сарғайиб кетган.

Район меҳнаткашлари юбилей йилида 25 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга ваъда берганлар. Ҳозирги кунларда олиб борилаётган иш талабга мутлақо жавоб бермайди. Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари тарозининг палласига шунга қараб тош қўйишлари лозим.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЕГОНА ЎТЛАР: — Ҳў, раис бува, буёнда ҳам ғўза бор...

АХБОРОТ

ТУРЛИ ХАБАРЛАР

ИССИҚ ВА ЖАЗИРАМАДАН САҚЛОВЧИ МОСЛАМА

Тошкентда мамлакатда биринчи иссик ва жазирамадан сақловчи мосламалар тайёрлайдиган завод қад кўтараётир. Завод 1972 йилда ишга туширилади. Келажакда бу корхонага химия, металл ва ёғочни қайта ишлайдиган 3 корхона бирлаштирилади.

Корхона йилига 400 минг квадрат метр мослама — жалюз ишлаб чиқаради. Тошкентликларнинг бу махсулоти мамлакатимизнинг иссиқ районларида яшовчиларга маъзур бўлади.

И. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

УСТАНИНГ СОВҒАСИ

Избоскан районидаги «Москва» колхозининг марказида уста Теша Исмоилов томонидан В. И. Ленин мавзолейи ва Кремль курантининг рамзий кўриниши яратилди. Таниқли уста Теша Исмоилов доҳийнинг юз йиллигига бағишлаб яратган баландлиги 4 метр, эни 3 метрли В. И. Ленин мавзолейи ва Кремль куранти макетини Андижоннинг узоқ-яқин жойларидан кўплаб одамлар келиб кўрмоқда.

А. ҲАМРОҚУЛОВ.

СТУДЕНТЛАР КОНКУРСИ

ВЛКСМ тарихи, халқаро ёшлар ҳаракати, ижтимоий фанлар проблемалари бўйича студентларда Бутуниттифоқ конкурсида республикамиз студентлари ҳам махоратларини намойиш қилдилар. Бу конкурсда биргина Тошкент Давлат университетидан 700 га яқин студент қатнашди. Кўпчилик студентлар конкурснинг биринчи туридаёк университет маъмуриятининг мукофотига сазовор бўлдилар.

Конкурснинг иккинчи тури Самаркандда, учинчи тури эса В. И. Ленин туғилган Ульяновск шаҳрида ўтказилади.

В. ГОНЧАРОВ.

* * *

Редакциямизга яна тошкентлик Д. ЖОНУЗОҚОВ, урганчлик О. ЖУМАНИЕЗОВ, чирчиклик Т. СИХАРУЛИДЗЕ, солдатлар Р. ИСКИДДИНОВ, В. ГОРБАЧЕВ, сирдарёлик Т. МУСТОНОВ, Э. РУЗИБОЕВ, қорақалпоғистонлик Б. АЙТИМБЕТОВ, Ю. БЕКМУРОДОВ, Б. ҚУРБОНОВ, самарқандлик Б. ИМОМОВ, фарғоналик И. ТУХТАСИНОВ, С. ЖУРАЕВ, А. ҒУРАНОВ, андижонлик У. БУВАЖОНОВ, С. СОЛИЕВ, М. АБДУЛЛАЕВ ўртоқлар ҳам ҳуш хабарлар йўллашган.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

6 июль, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.25 — **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 18.30 — «Шон-шуҳрат қозонган номлар», 18.50 — Реклама, 19.00 — **Футбол:** «ПАХТАКОР» — «ТОРПЕДО» (Кутаиси). **Узбек тилида:** 20.45 — Телеянгиликлар, 21.00 — Концерт, 21.25— **«Маочиларнинг ҳалокатли йўли»** (ҳужжатли фильм), 22.30 — **Москва кўрсатади. Футбол:** «ТОРПЕДО» (Москва) — «ДИНАМО» (Киев).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Тошкент. Ўқув кўрсатувлари.** 20.00 — **Москва кўрсатади,** 22.30 — **Тошкент кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Душанба кўрсатади.**

7 июль, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — **Москва кўрсатади,** 18.25 — **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 18.30 — Мультфильм, 18.40 — Телеянгиликлар, 18.55 — «Ғирвонсой — зарбдор қурилиш», 19.15 — Кино ҳақида суҳбат, 20.25 — Реклама. **Узбек тилида:** 20.45 — Телеянгиликлар, 21.00 — **«Ўртоқ учувчилар»** (кинофильм), 21.20 — «Нафосат илҳомлари», 22.10 — Қишлоқ хўжалиги билимлари университети, 22.40 — «ЮЛДУЗ» тикув фирмаси бадиий ҳаваскорларининг концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **Тошкент. Ўқув кўрсатувлари,** 20.00 — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент:** Классик музика саҳифалари, 20.40 — «Ешлик байрами» (телефильм). **Рус тилида:** 21.05 — **«Азимут»** — туристик-ўлкашунослик клуби 21.35 — **«Адмирал Ушаков»** (бадиий фильм).

8 июль, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.25 — **Тошкент кўрсатади,** 18.30 — Телеянгиликлар, **Узбек тилида:** 18.40 — «Қувноқ пионер ёзи», 19.10 — Телеянгиликлар, 19.20 — Дутор, танбур таронадари, 20.00 — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.25 — Тошкент кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — Тошкент кўрсатади: **Пароходлар қалъаларни ишғол қилади»** (бадиий фильм), 21.35— «Эълон қилинмаган уруш» (ҳужжатли фильм), 22.25 — Фильм-концерт.

9 июль, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.25 — Тошкент кўрсатади: Рус тилида: 18.30 — Телеянгиликлар, 18.45 — «ЗДОРОВЬЕ» илмий-оммабоп программаси, 19.25 — **«Хотима»** (бадиий фильм). **Узбек тилида:** 21.05 — Телеянгиликлар, 21.20 — «Меҳнатни шарафлаймиз», 22.30 — **«Қизилқум»** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — **Москва кўрсатади,** 18.00 — **Фрунзе кўрсатади,** 19.55 — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент кўрсатади.**

10 июль, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.25 — **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 18.30 — Телеянгиликлар, 18.45 — «Халқ контроли экрани», 19.15 — Телефильм, 19.45 — Музикали календарь, 20.30 — Реклама. **Узбек тилида:** 20.45 — Телеянгиликлар, 21.00— «ОЛАМГА САЕҲАТ», 22.00 — «Чўл чорлайди».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — **Москва кўрсатади,** 18.30 — **Тошкент. Ўқув кўрсатувлари.** 20.00 — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент кўрсатади.**

11 июль, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Тошкент кўрсатади,** 10.00 — «ЭКРАН ҲАНДАСИ», 10.40 — **«Шоҳсанам ва Ғариб»** (бадиий фильм), 12.00 — Москва **кўрсатади,** 16.55 — **Тошкент кўрсатади,** 17.00 — Телеянгиликлар, 17.10 — Болалар учун концерт, 17.40 — Телефильм, 18.10 — «ЕШЛИК» студияси кўрсатади: «СТУДЕНТЛИК — ОЛТИН ДАВРИМ», 19.00 — Телеянгиликлар,

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00 — **Москва кўрсатади,** 20.00 — **Тошкент кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Душанба кўрсатади.**

12 июль, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 10.00 — Телеспектакль, 11.10 — Мультфильм. **Узбек тилида:** 11.40 — **«Зангори Лагуя» капитанлари»** (бадиий фильм), 12.50 — Севимли шоирларингиз: ҲАМИД ОЛИМЖОН, 17.00 — Балиқчилар куни, 17.25 — Балиқчилар учун концерт, 17.55 — «АХБОРОТ», 18.25 — «ЭКРАН ҲАНДАСИ» (такрорий кўрсатув), 18.05 — «АХБОРОТ», 19.35 — «ЕШЛИК» студияси кўрсатади: «ҚИЗЛАР ДАВРАСИ», 20.35 — **«Адам ва Хева»** (кинокомедия), 20.45 — Ғаллакорларнинг меҳнат рапортлари, 22.00 — Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — **Тошкент. Ўқув кўрсатувлари.** 12.00 — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — **Фрунзе кўрсатади.**

ЮЗ ЁШДАН ОШГАН ТЕАТР

4 ИЮЛДА ПОЙТАХТИМИЗДА ОРЕНБУРГ ДРАМА ТЕАТРИ ГАСТРОЛЛАРИ БОШЛАНАДИ

Мана бир неча ҳафтадан бери тошкентликлар Оренбург оперетта театри спектакларини томоша қиляптилар. Энди эса шу шаҳардан яна бир коллектив пойтахтимизга келди. М. Горький номидаги драма театри. Биз шу театр директори Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Клименко билан суҳбатда бўлдик.

— Бизнинг театр, — деди Н. Клименко, — Россиядаги кекса ижодий коллективлардан бири. Яқинда унинг ташкил топганига 114 йил тўлди. Унинг саҳнасида буюк рус актёрлари М. Писарев, Н. Светловцев ва П. Стрепетовлар ўйнашган.

Охирги йилларда бир неча марта Москва ва Ленинград шаҳарларида гастролларда бўлдик. Театр мухлислари, газета ва журналларда «Отелло», «Подшо Фёдор Иванович», «Бўри изидан» спектакларининг яхши қўйилганлиги ҳақида гапиришди. Москвадаги Е. Вахтангов театри саҳнасида биз кўрсатган С. Смирновнинг «Мен кўрган кишилар» драмаси ўтган йили ўтказилган Бутуниттифоқ театр фестивалида биринчи ўринни олган.

Тошкентда эса гастролларимизни шу спектакль билан бошлаймиз. Репертуаримизга яна бир неча постановкалар киритилган МХАТ мактаб-студиясининг Оренбург филиали қўйган В. Розовнинг «Мангу тирик» спектакли, А. Корнейчукнинг «Қалб хотираси», В. Ежовнинг «Булбул кечаси», В. Шавриннинг «Таниш-лар» каби асарлари асосида яратилган янги спектакларимиз бор. Классик асарлардан Н. Гончаровнинг «Жар ёқасида» романи асосида қўйилган спектакль, Д. Мамин-Сибирякнинг «Олтин маконда» ҳамда чет эл ёзувчиларидан Лопе де Веганинг «Ақлли тенгак». М. Чорчолиннинг «Корнелия», В. Дельмарнинг «Марҳабо, эртаги кун» асарлари бор. Саҳнамизда Ўзбекистонда ва Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ю. Иоффе, РСФСРда хизмат кўрсатган артистка И. Шеглова, кўп йилларидан театримизда ишлаб келаётган Ю. Шишкинларни кўрасиз. Спектакларимиз костюмларининг эскизини ва декорацияларни С. Александров ва С. Шевелов ясашганлар. Ўз композиторимиз ҳам бор — Д. Генделев басталаган куйларни тинглайсиз.

Актерларимиз ичида РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар Р. Плескачевская, И. Жигалова, Б. Боржов, М. Бородина, А. Михалев, И. Шеглова, ёш талантлар И. Лидарская, М. Дахунгель, В. Павленко, З. Улановская, Ж. Войцеховская, Н. Лежнева ва бошқаларни кўрасиз.

Ш. ЗАЙНУТДИНОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Елканлар бўлса... — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 2, кеч 8 ва 9,40 минутда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8 да).

Қора лола — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 кеч 10 да).

Яшасин севги! — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», НАВОИ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Катта рокировка — «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 да).

Саргузашт изловчилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иқтисод институтининг коллективи институтнинг илмий ходими А. К. Комиловга онаси

Сохиба КОМИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.